



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР

Исабаев Ёдгор Жалолиддинович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

2-сонли Тошкент академик лицейи

директорининг малака ошириш бўйича ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7427312>

ARTICLE INFO

Received: 30th November 2022

Accepted: 10th December 2022

Online: 12nd December 2022

KEY WORDS

Инсон ҳуқуқлари,
демократик ислохотлар,
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон
декларатсияси, халқаро
ҳуқуқ.

“Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”.

Ш.М.Мирзиёев

Мамлакатимизда устақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш асосий мақсад этиб белгилангани ва ўтган давр мобайнида бу ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципи – ҳокимиятлар бўлиниши мустақамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 11-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда

ABSTRACT

Мақолада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича юртимизда олиб борилаётган сай-ҳаракатлар, олиб борилаётган ишлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича маҳаллий ҳамда халқаро механизмлар тўғрисида сўз юритилади.

давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар муҳим мақсадга, яъни, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган.

Ушбу принцип ҳаётга жорий этилиши туфайли мамлакатимизда халқчил ва демократик давлат ҳокимияти тизими шаклланди. Суд ҳокимияти, жумладан, унинг марказий бўғини – Конституциявий суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида қарор топди. Конституциявий суд айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Асосий қонунимизга мослигини аниқлаш, Конституция ва



қонунларнинг нормаларига шарҳ бериш, қонунчилик ташаббусини амалга ошириш ваколатлари воситасида ҳокимият тармоқлари бўлиниши принципини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида изчил фаолият юритаётир.

Ҳозирда инсон ҳуқуқлари ҳар бир демократик давлат сиёсатида муҳим ўринга эга. Нега деганда, инсон – бу шахс, ҳуқуқ назарияси бўйича – бу жисмоний шахс ҳисобланиб, ҳар бир демократик давлат унинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга мажбур. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг ажралмас қисмидир, бу эса уларни ҳаётда амалга ошириш имкониятини англатади. Инсон ҳуқуқлари деганда ҳар қандай замонавий жамиятда шахснинг ҳуқуқий мавқеини тавсифлаш учун зарур бўлган ҳуқуқлар тушунилади. Ҳаммамизга маълумки, одатда инсон ҳуқуқлари бир томондан фуқаролик ва сиёсий, иккинчи томондан ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга бўлинади. Шундан келиб чиқиб, бизнинг асосий қонунимиз – Конституциямизда ҳам инсон ҳуқуқлари алоҳида ўринга эга, керак бўлса асосий объект сифатида олинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизми айнан Конституциямиздан келиб чиқишини кўришимиз мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиши, унинг тизимида марказий ўринни эгаллайди, унинг ваколатларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни кўриб чиқиш киради. Бош Ассамблея ушбу масалалар бўйича махсус резолюциялар таёрлаган (махсус, гуманитар ва маданий масалалар бўйича). Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро

шартномаларга мувофиқ махсус ташкилотлар тузилган: Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Ирқий камситишни тугатиш қўмитаси, Қийноқларга қарши қўмита, Бола ҳуқуқлари қўмитаси.

Юқоридан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари барча давлатлар томонидан тартибга солинган халқаро ҳуқуқнинг бутун бир соҳаси, шунинг учун инсон ҳуқуқлари институти миллий ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан биридир. Инсон ҳуқуқларининг асосий тамойилларини амалга ошириш ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий баҳосини белгилайди. Шунга асосланиб, миллий ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларининг ўрни жуда катта. Бунга яққол мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 моддасини келтиришимиз мумкин: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” ёки 19-моддасини ҳам келтиришимиз мумкин “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”. Буларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларининг нақадар Ўзбекистон учун муҳим ўрин касб этгани ва этаётганини кўрсатиши мумкин. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқдаги энг катта механизмларидан бири сифатида, албатта биз, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Биль мажмуаси номини олган халқаро ҳужжатларни айтиб утишимиз керак деб ўйлаймиз. Булар: 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон



декларатсияси, 1966 йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ва 1966 йилдаги инсон ҳуқуқлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактларнинг ва уларга бириктирилаган Протоколлар ҳисобланади. Бундан ташқари БМТ низомида ҳам инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар тўғрисидаги қоидалар мавжуд. Умумий қилиб айтганда, Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари – бу ҳар қандай замонавий жамиятда инсоннинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи тамойиллар ва нормалар мажмуи дея оламиз.

Инсон ҳуқуқларининг миллий механизмларига келсак, бу давлатимизда қабул қилинган энг аввало: Конституциямиз ва Қонунларимиз ҳисобланади. Ҳаммамизга маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси ҳам бу соҳага жуда катта бир сиёсий ва ҳуқуқий куч берди. “Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (кейинги ўринларда – БМТ) 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат

сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида: уйидагилар Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини бажариш юзасидан масъул давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

- халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсияларини амалга оширишга қаратилган миллий ҳаракат режалари (“йўл хариталари”)нинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;
- қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини бажаришга тўсқинлик қилаётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти



институтлари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш”.

Юқорадиги фикрлардан келиб чиқиб айта оламизки, Янги Ўзбекистон учун инсон ҳуқуқлари энг бирламчи тамойил ва хизмат қилиш объекти бўлиши зарур. Шундагина инсон ҳуқуқлари бўйича энг илғор мамлакатлар қаторида, албатта Ўзбекистон ҳам бўлади, биз бунга ишонамиз ва ҳаракат қиламиз.

Инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш – мамлакатимиз Конституциясининг бош мақсади, асосий тамойилларидандир. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, барча жабҳаларни демократик янгилаш, босқичма-босқич ва изчил ислоҳ этиш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар самарасида бу эзгу ниятлар рўёбга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятига инсон ҳуқуқлари ғояси чуқур сингдирилган.

Давлатимизнинг инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатининг конституциявий кафолати сифатида 13-моддада “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деган қоида мустаҳкамланган.

Мамлакатимиз Конституцияси бир томондан адолат, бағрикенглик, тўғрисиўзлик каби қадриятларни ўзида акс эттирса, иккинчи томондан, унда халқаро меъёрлар, умуминсоний қадриятлар уйғунлаштирилганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз юқоридаги принципдан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган 190 дан ортиқ халқаро актлар: декларациялар, конвенциялар ҳамда пактларга аъзо бўлиб қўшилган.

Миллий Конституциямизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, у нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, балки, Ўзбекистонда яшовчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини кафолатлайди. Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва эркинликларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Минтақавий вакилликлари институтининг ҳам ўз ўрни мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги мана қарийб ўн йилдирки, самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Минтақавий вакилни жойлардаги фаолиятини ташкил этишда унга жамоатчилик асосида ишлайдиган эксперт гуруҳи яқинда ёрдам бермоқда. Унинг таркибига жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир қаторда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг киритилганлиги фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиб амалий ёрдам кўрсатишда қўл келмоқда. Бу ўз навбатида иккала орган ўртасида ҳамкорликни амалга оширишга самарали хизмат қилмоқда. Зеро, фуқаролар мурожаатини ўз жойида атрофлича текшириб холисона қарор қабул қилишда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилса, фуқароларнинг иккинчи марта юқори органларга, яъни такрорий мурожаат қилишининг олди олинади ҳамда мурожаат қилган фуқарода шу жамиятдан розилик, мамнунлик ҳисси кучаяди. Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикасида мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик



жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, этиб ўтиш керакки, босқичма-жабҳаларини қамраб олган ислохотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича самарали қонунчилик тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан бир қаторда, 16 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан БМТнинг 10 шартномасига қўшилган.

Парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура тизимларида Инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича бошқармалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди ва улар фаол ишламоқда. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя бўйича янги механизм Бизнес Омбудсман ташкил этилди.

Биргина 2016 йилнинг сентябрь ойидан то бугунги кунгача бевосита инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид 10 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда демократик анъаналарнинг ривожланиши шундан дарак берадики, инсон ва унинг манфаатлари ўзбек халқи менталитетининг ажралмас қисми, дунё ҳуқуқий маданиятининг энг олий қадриятларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра

инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”, деб қайд этиб ўтилган.

Демократик анъаналарга асосланган давлатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб давлат органларига мурожаат қилиши мумкин. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра “Жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга”, деб белгиланган. Ҳар бир фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги асосий бурчи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги инсон ҳуқуқларини таъминлашни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжати 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони инсон ҳуқуқлари билан ишлашни янги босқичга олиб чиқди.

Маъмурий ҳудудларда ташкил этилган Халқ қабулхоналари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини давлат идораларига тўғридан тўғри баён этиш имконини бермоқда. Қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбар ҳамда мансабдор шахсларининг сайёр қабулхоналари ташкил этилганлиги аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунга шарҳлар / А.Х.Саидов ва бошқ.; инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, т.: “vektra-press”, 2009
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/ ўзбекча нашрининг маъсул муҳаррири А.Х.Саидов. – Тошкент: “Адолат”, 2004
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизами / муалифлар жамоаси: А.Х. Саидов, Ф.Х. Бакаева, Ш.Арсланова ва бошқ.; маъсул муҳаррир А.Х.Саидов; инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – т.: “O'zbekiston”, 2010.
5. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. / маъсул муҳаррир – А.Х.Саидов. Юридик фанлари доктори. Профессор. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Тошкент, “Адолат”. 2002
6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бош ассамблеянинг 1948 йил 10 декабрдаги 217 а (iii)-резолүцияси.
7. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бош ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 а(ххi)-резолүцияси билан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун қабул қилинган ва очилган. 1976 йил 23 мартдан кучга кирган
8. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 1-факультатив протокол бош ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 а(ххi)-резолүцияси билан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун қабул қилинган ва очилган. 1976 йил 23 мартдан кучга кирган
9. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция бош ассамблеянинг 1984 йил 10-июндаги 39/46-резолүцияси билан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун қабул қилинган ва очилган. 1987 йил 26 июндан 27(1)-моддага мувофиқ кучга кирган.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Тошкент ш. 2020 йил 22 июнь, пф-6012-сон

Электрон ресурслар (web. Ресурслар)

1. [Http://akadmvd.fan.uz/files/bibl](http://akadmvd.fan.uz/files/bibl)
2. [Http://www.lex.uz/](http://www.lex.uz/)
3. [Http://gov.uz/uz/](http://gov.uz/uz/)
4. [Http:// www.un.org](http://www.un.org)
5. [Http:// www.unhchr.ch](http://www.unhchr.ch)
6. [Http:// www.unesco.org](http://www.unesco.org)
7. [Http:// www.unicef.org](http://www.unicef.org)